Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.

№ 252 (7. 341) ◎ 1990 йил 2 ноябрь, жума Баҳоси 3 тийин

Бугунги сонда:

«ОҚШОМ» МУШТАРИЙЛАРИ БИЛАН МУЛОҚОТ

◎ Мана 25 йилдирки «Тошкент оқшоми» рўзномаси ўзининг яхши ва хайрли анъанасига содиқ қолиб, муштарийлари билан мулоқотни давом эттириб келаяпти. Рўзнома саҳифаларидан турли соҳа мутахассисларининг мақолаларига, хат-хабарларига, таклиф ва эътирозларига ҳамда қимматли мулоҳазаларга кенг ўрин берилмоқда. Рўзноманинг бугунги 2-саҳифаси ҳам ушбу фикримизнинг далилидир...

ЯИЛЛАР ВА ТАҚДИРЛАР

◎ Улуғ Ватан урушн йилларидаги ҳаёт-мамот жангларида кўплаб тошкентлик аскарлар ҳам Ватан озодлиги йўлида жанг қилдилар. Ана шундай ҳамшаҳарларимиздан бири профессор Бердиали Имомовдир. Рўзноманинг 3-саҳифасидаги юқоридаги рукун остида берилаётган қизиқарли мақолада Бердиали Имомовнинг жанг майдонларидаги азиз бнродари — грузин ўғлони Давид Моргашня билан ибратга лойиқ дўстлик алоқалари ҳақида батафсил ҳикоя қилинади...

ТУНГИ ШАРПАЛАР

◎ ...Пушкин кўчаси бўйлаб шамолдек учиб келаётган «Жигули» машинаси милиция лейтенанти Носим Турдикулов гуруҳи аъзоларини ўзига тортди. Ҳайдовчи эса тўхташ нишорасини кўрмагандикка олиб автомобиль тезлигини оширди. Лекин жиноят қидирув аъзолари машина йўлини тўсишди. Шундан кейинги воқеалар қандай тугаганлиги билан қизиқсангиз рўзноманинг 4-саҳифасидаги юқоридаги сарлавҳа остида берилган мақолани ўқишга таклиф этамиз...

000. 000 тонна ахта тайёр!

Ўзбекистон ССЖ Олий нгашининг мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

ккинчи чақириқ Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининчи сессияси 1 ноябрда ўз ишини давом эттирди. Мажлисни Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг Раиси Ш. Р. Мирсаидовни тақдим этди. Олий Кенгаш ушбу ҳужжатларни, Ш. Р. Мирсаидов Ўзбекистон ССЖ Президенти ўзуриқ кўрадиган Вазирлар Маҳкамасига айлантирилди. Депутатларнинг қўшимчалари билан қабул қилинди. Депутатлар сессия кун тартибининг қуйидаги бандини кўриб чиқдилар. Ўзбекистон ССЖнинг Президенти тўғрисидаги Конституциясига (Асосий Қонунига) ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида»ги Ўзбекистон ССЖ Президенти Ҳузуридаги Ҳуқуқий ислоҳотлар ва маҳаллий ўзини бошқарув қўмитаси раиси А. А. Йўлдошев маърузаларини эшитдилар ва муҳокама қилдилар.

Маъруза юзасидан музокараларда халқ депутатларидан Ш. Т. Нусратов (21-Циолковский сайлов округи), К. Ж. Ҳаққулов (206-Марказий сайлов округи), К. Исроилов (294-Қўнғирот сайлов округи), Б. Б. Усмонов (107-Пискент сайлов округи), К. А. Маҳмудов (278-Ўзбекистон сайлов округи), М. Ж. Жўраев (224-Мубарак сайлов округи), И. Т. Алиев (348-Қумқўрғон сайлов округи), А. В. Горностаев (176-Навоий сайлов округи) сўзга чиқдилар.

Депутатлар қонун лойиҳасини биринчи муҳокамада қабул қилдилар ва узил-кесил ишлаб чиқиш учун қўмитага топширдилар.

Ўзбекистон ССЖ Президенти И. А. Каримовнинг тавсиясига кўра Б. Мустафоев Ўзбекистон ССЖ прокурори этиб тайинланди.

Депутатлар қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари қўмитаси тақдим этган. «Милиция ходимларини ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишни кучайтириш тўғрисида»ги қонунни ушбу сессияда айтилган фикрлар ва таклифларни ҳисобга олиб қабул қилдилар.

Олий Кенгаш Ўзбекистон ССЖ Халқ назорати қўмитасининг раиси М. М. Миркосимовни Ўзбекистон ССЖдан жумҳуриятлараро ўзаро иқтисодий қўмитага доимий вакил қилиб кўрсатди.

Шундан кейин сессия иштирокчилари «Ўзбекистон халқ депутатларининг жумҳурият аҳолисига, ССЖИ Олий Кенгашига мурожаатномаси»ни қабул қилдилар.

Шу билан ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг учинчи сессияси ўз ишини тамомлади.

ТОНГГИ РЎЗНОМАЛАРДА

«Ўзбекистон ССЖда ижроия ва бошқарув ҳокимият тузилишини такомиллаштириш ҳамда Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий Қонуни)га ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Совет Социалистик жумҳуриятининг Қонуни, ўртоқ Ш. Р. Мирсаидов Ўзбекистон ССЖ вице-президенти этиб тайинлаш тўғрисида Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳурияти Президентининг Фармони, Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг қарорлари ҳамда «1991 йилги жумҳурият бюджетини шакллантиришнинг асосий параметрлари ҳақида» Ўзбекистон ССЖ молия вазири И. И. Маматисаевнинг ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг учинчи сессиясидаги маърузаси эълон қилинган.





Улуғ Октябрнинг 73 йиллиги арафасида

КЕКСАЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Кеча «Нуроний» чойхонасида Тошкент шаҳар партия қўмитаси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ва шаҳар ижроқўми вакилларининг партия, уруш ва меҳнат кексалари билан учрашуви бўлди.

Учрашувни Тошкент шаҳар ижроқўмининг раиси Ш. Р. Шоабдураҳимов очди.

Ҳаёт йўлини турлича босиб ўтиш мумкин. Масалан, тинч ва осойишта, оила ва тирикчилик ташвишлари билан кифояланиб умр кечириш мумкин. Қўшнисининг, нотаниш ўткинчининг, ҳамкасб ўртоғининг дардини, ғамташвишини парво қилмай яшаса ҳам бўлади. Ҳамма ҳаёт йўлини ўзи танлайди. Мазкур учрашувга ташриф буюрган кексалар босиб ўтган ҳаёт йўлини қисқагина қилиб — фаол ҳаёт йўли деса бўлади. Ҳа, улар ҳеч қачон, ташвишли ва саросимали даврларда ҳам панада писиб ўтиришган эмас. Улар ана шу даврни ўзгартиришга, яхшилашга ҳаракат қилишган. Саводсизликка қарши, хотин-қизлар озодлиги учун курашишган, каналлар қазиб, чўлларга сув чиқаришган. Улуғ Ватан уруши йиллари кўнгилли бўлиб фронтга йўл олишган, мамлакат ичкарисида ҳарбий давр машаққатларини матонат билан енгиб ўтишган. Давлатимиз ва ҳукуматимиз уларнинг жанговар ва меҳнат жасоратларини тақдирлаб берган кўп сонли орден ва медаллар бунинг ёрқин далилидир. Залда ўтирган кексаларнинг ҳар бирига таъзим қилса арзийди, сабаби улар босиб ўтган олис йўлда гул ва чечаклар поёндоз бўлган эмас. Улар кимларнингдир ҳам жумласидандир.

Биз ҳозир ҳам ташвишли ва нотинч даврни бошдан кечираяпмиз. Ҳаётимиздаги кўп нарсалар ўзгараяпти. Аммо бугун ҳам бизнинг ҳурматли оқсоқолларимиз, уларнинг донишмандлиги ва ҳаётий тажрибаси ҳаётимизни қайта қуришда фаол иштирок этяпти. Улар бизни: ҳовлиқманг, ўтмишдан воз кечишга шошилманг, деб ўргатишади. Ахир ўтмишимизда диққатга сазовор воқеалар ҳам бўлган. Улуғ Октябрь ана шу воқеаларнинг энг асосийсидир. Октябрь бизнинг катта кўп миллатли оиламизни дўстлик ва қардошликка даъват этган, эзгулик ва тенгҳуқуқлик ғояларини тарғиб қилган, у ҳар биримизга ўқиш, кўнглимизга маъқул касб танлаш имкониятини яратиб берди. Агар у ёки бу нарсанинг уддасидан чиқолмаган эканмиз, йўл қўйган хатоларимиз бизни ўтмишни ҳам, бугунги воқелигимизни ҳам ҳушёрлик билан баҳолашга ўргатиши керак. Октябрь ғоялари ҳали ўз имкониятларини тўла намоён этганича йўқ. Улар бугунги кунда ҳам ҳалол, соф ниятли кишиларни қардошликка, ҳамжиҳатликка, ҳар биримизни бутун кўпмиллатли халқимизнинг бахт-саодати йўлида бунёдкорона меҳнат қилишга даъват этмоқда.

Учрашувда жумҳурият уруш ва меҳнат кексалари кенгашининг раиси Р. Ғ. Ғуломов, уруш ва меҳнат кексалари Тошкент шаҳар кенгашининг раиси С. С. Оҳунжонов, Тошкент шаҳар партия қўмитасининг котиби Ҳ. М. Абдураимов қатнашдилар.

Л. МУРОДОВА.

СУРАТЛАРДА: учрашувдан лавҳалар.

- Т. Каримов суратлари.





ХАРИДОРЛАРГА МАНЗУР

● **ЯНГИ бичимда тайёрланган маҳсулотлар қанчалик харидоргир бўлса, унинг ишлаб чиқарувчилари шунчалик мамнун бўладилар.** «Орзу» чарм-галантерлик ва спорт буюмлари бирлашмасида ана шундай моделчилар кўп йиллардан буён ишлашади. Айниқса, бу борада В. Атланова ва Н. Гришиналарнинг номларини қайд этиб ўтмоқ зарур. Улар тавсия қилган янги нусхадаги моделлар дастлаб тажриба участкасида синаб кўрилади ва бирлашманинг ўз дўконларида сотилади. Агар улар харидорларга манзур бўлса, сўнг ўша модалар кенг ишлаб чиқаришга жорий этилади. Бу усул албатта ишлаб чиқариш самарадорлигини ва сифатини ошириш учун тўла замин бўла олади. Энг асосийси, кейинги вақтда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар «Орзу» деб ёзилган темир тамғачалар билан истеъмолчиларга сотилмоқда.

Г. МАМБЕТОВА.

ИЗЛАНИШЛАР АСОСИДА

◎ **КЕЙИНГИ йилларда зътиқодли ёшлардан тузилган қидирув отрядлари фаолиятларн янада жонландн.** Жумладан, Тошкентдаги бундай изланувчан ёшлар куч-ғайрати билан кўпгина қизиқарли ҳужжат ва маълумотлар тўпланди.

Улуғ Ватан урушн жангларида бедарак йўқолган марҳум жангчилар қабрларини излаб топишда тошкентлик фидойиларнинг украиналик тенгдошлари билан яқин ҳамкорлиги қўл келди. Қардош Украинанинг Чернигов шаҳри ёш ватанпарварлари билан биргаликда қатор жангчиларнинг номлари аниқланди.

Олиб борилган ана шу изланишлар яқинда ҳужжатли фильмда ўз ифодасини топади. Бу тўла метражли экран асарини яратиш учун Ўзбекистон киносаёҳатчилар ассоциацияси 10 минг сўм пул ажратди.

С. ОБИДОВА.

Мутасаддилар фикрича...

Калиш бўладими?

Ш. ЮСУПОВ,

Тошкент шаҳар савдо Бош бошқармасининг саноат бўлимн мудирн.

— Пойабзалларнинг барча турини жумҳуриятимиз бўйича «Узобувьторг» идораси вилоят ва шаҳарлардаги «Ташобувьторг» ва бошқа савдо шохобчаларига тарқатади. Ўрта Осиё калишига бўлган талаб кейинги йилларда анча ошиб кетди. Бунинг асосий сабабларидан бири, бизга керакли бўлган миқдордаги калишларни ололмаётганлигимиздир.

Ўтган йили калиш учун 4 миллион 230 минг сўмлик буюртма берган эдик. Шундан 2 миллион 264 минг сўмлигини етказиб бериш ҳақида ваъда қилинди. Бу бизнинг мўлжалимиздан 2 миллион 377 минг сўмлик кам. Бу йил эса, 1989 йилга нисбатан 260 минг сўмлик ортиқ буюртма бердик. Лекин бу калишларни жуда кам миқдорда олмоқдамиз.

Гомель шаҳридан 2 ва 3-кварталда калишларни деярли олмадик. Наманганнинг Поп ройонидаги корхонада тайёрланиб шаҳримизга келтирилаётган калишларнинг сифати жуда ҳам паст. Бизда маҳаллий миллат вакиллари калишдан кўпроқ фойдаланишади. Шундай экан, жумҳуриятимизнинг ўзида ана шу маҳсулотни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш вақти мудаво бўларди.

Суҳбатдош Р. ФАЙЗУЛЛАЕВ.

Янгиликлар • Воқеалар • Шарҳлар • Янгиликлар • Воқеалар • Шарҳлар • Янгиликлар • Воқеалар • Шарҳлар

«МАЛИКА» ЙИЛНОМАСИ

◎ **БУ ГУРУҲНИНГ шонрона ном билан аталиши бежиз эмас, албатта.**

Унинг аъзолари корхона тарихини ўрганиш, бу ерда ҳалол меҳнат қилган фидоийлар тўғрисидаги маълумотларни тўплаш билан шуғулланишни ўз олдиларига асосий мақсад қилиб қўйганлар. Тўпланган ҳар бир сурат ва материал бирлашманинг меҳнат шон-шуҳрати музейи экспонатига айланади.

Гап шундаки, Тошкентдаги «Малика» трикотаж бирлашмаси яқин орада ўзининг эллик йиллик шонли тўйини нишонлайди. Унга тайёргарлик кўриш жараёнида қидирув гуруҳини тузиш мақсадга мувофиқ деб топилди. Унга корхона тарихини яхши биладиган мутахассислар, шу ерда кўп йиллар мобайнида ишлаб, бугунги кунда меҳнат фахрийлари ҳисобланган собиқ чеварлар аъзо қилиб олинди.

Ҳақиқатан ҳам бу корхона шонли меҳнат йўлини босиб ўтди. Улуғ Ватан уруши бошланган ўша дастлабки йили унга асос солинган эди. Ростов-Дондан йўлга чиққан поезд эшелонларга ортилган трикотаж корхонаси техника анжомлари, дастгоҳ ва қурилмаларни Тошкентга олиб келди. Булар Ўзбекистонда дастлабки ҳисобланган трикотаж корхонасининг техника базаси бўлиб хизмат қилди.

Мана шунга ҳам ярим аср вақт ўтди. Бу орада корхона ҳар томонлама кенгайиб, янада мустаҳкамланди. Шаҳримиздаги йирик бирлашма сифатида у ҳозир 300 дан ортиқ номда трикотаж маҳсулотларини тайёрлаб бермоқда.

Бирлашма ўзининг етти мингдан ортиқ малакали ишчи-хизматчиларига эга. Бу кишиларнинг кўпи унинг жойларда фаолият кўрсатаётган филиалларида меҳнат қилмоқда.

Корхона юбилейи муносабати билан меҳнат шоншуҳрат музейида янги кўргазма очилади. Юқорида айтиб ўтган қидирув гуруҳи аъзоларининг бирлашма шонли йўли тарихига доир тўпланган ҳужжат ва суратларга бу экспозициядан кенг ўрин берилади.

А. АЛИЕВ.

ЯНГРА, ҚЎШИҚ!

ТОШКЕНТДАГИ «Ансамбли мусиқа мухри эътиборига янги аммани ҳавола этди. программа «Ассалому кум» деб номланди. адимир Барамиков раҳбарлигидаги мазкур жамоа 12 йилдирки эстрада мусиқасини, ўзбек халқ қўшиқларини кенг тарғиб этиб келмоқда. Янги ижро мундарижасига хусусан хоразм халқ қўшиқлари — «Ёр-Ёр», «Қора қош» ва замонавий тус берилган бошқа куйлар киритилган. Яккахон хонандалар — Ёш ижрочилар Бутуниттифоқ конкурсининг совриндори Кумуш Раззоқова ака-ука Ҳасан ва Ҳусан Жўраевлардир. Ансамбль Австрияга, Швейцарияга, Эфиопияга, Мадагаскарга бориб келди, «Осиё овози» халқаро конкурсида, «Эгизаклар — 90» телефестивалида иштирок этди.

(ЎзТАГ).

МЕҲР-ШАФҚАТ ҲАМШИРАЛАРИ

Жумҳурият Қизил Ярим Ой жамияти инсонпарварлик ва меҳр-шафқатлилик асосларига амал қилган ҳолда, ёлғиз қолган, меҳнатга нолойиқ қарияларга тиббий-ижтимоий ва маиший ёрдамни янада тўлароқ кўрсатиш мақсадида, ўтган йили меҳр-шафқат хизмати ташкил этди. Бизнинг бу хизматимиз илгариги патронаж хизмати асосида вужудга келди.

Меҳр-шафқат хизмати ўз фаолиятини тиббиёт ва социал-таъминот муассасалари билан яқин ҳамкорликда олиб бормоқда.

Меҳр-шафқат хизмати фаолиятида асосий ўринни тиббий шафқат ҳамшираси эгаллайди.

Бу хизматнинг фаолияти ривожланган сайин ҳамшираларга бўлган талаб ошиб бораяпти. Агар 1988 йилда жумҳуриятимизда патронаж тиббий ҳамшираларининг сони атиги 255 та бўлса, ҳозирда уларнинг сони 800 тага кўпайди.

Қизил Ярим Ой жамияти олдида ўз ходимларини тайёрлайдиган ўқув марказини очиш муаммоси пайдо бўлди. Бу масала қандай ҳал бўлаяпти?

Ўзбекистон ССР Вазирлар кенгаши ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги ёрдамида яқинда Тошкент шаҳрида Қизил Ярим Ой тиббий билим юрти қурилиши бошлаб юборилди.

Ҳозирча жамиятимиз мурожаатига мувофиқ, Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш вазирлиги қарори билан ҳар бир билим юртлари базасида меҳр-шафқат ҳамширалари тайёрлаб чиқарадиган махсус бўлимлар иш бошлади.

Ундан ташқари хўжалик ҳисоби асосида меҳр-шафқат тиббий ҳамширалари тайёрлайдиган кечки курслар очилди. Бу курсларга талабалар шаҳарнинг барча районларидан бир текисда қабул қилинди. Ўқишни битиргандан кейин улар ўз районига ишга боришади.

А. ТОШМУҲАМЕДОВ,
Ўзбекистон ССР Қизил Ярим Ой жамияти Марказий Қўмитаси шифокори.

ЯНГИ НАШР

◎ **ЖУМҲУРИЯТИМИЗДА педагогик матбуот нашрларини такомиллаштириш борасида муҳим тадбирлар кўрилди.** Ўзбекистон ССЖ Халқ таълими вазирлиги ҳайъати қарори билан 1991 йилнинг биринчи январидан эътиборан янги ойлик илмий-методик ойнома — «Мактабда ўзбек, рус тиллари ва адабиёти» чиқариладиган бўлди.

Ўзбекистон мактабларида тиллар ва адабиётларни ўқитиш савиясини янада оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, у ушбу фан ўқитувчиларини ўқитишнинг илғор тажрибалари ҳамда бой методик усул ва воситалар билан қуроллантиришни ўз олдига асосий мақсад қилиб кўяди.

Ушбу нашр вазирликнинг тугатилаётган «Русский язык и литература в узбекской школе» ойлик илмий методик ойномаси ўрнида чиқарилади.

А. ВАЛИЕВ.

Янгиликлар • Воқеалар • Шарҳлар • Янгиликлар • Воқеалар • Шарҳлар • Янгиликлар • Воқеалар • Шарҳлар

«ОҚШОМ» МУШТАРИЙЛАРИ БИЛАН МУЛОҚОТ

Ёдномалар

ЎЗИНИНГ яхши ишлари, фазилати билан элда танилган кишиларнинг номлари ҳеч қачон унутилмайди. Дўмбирободлик Одил ака Қаюмов худди ана шундай кишилардан эди. Энди унинг номи ҳар куни бир неча марта тилга олинади, ўқувчилар дафтарларининг муқоваларига ёзилади.

Одил Қаюмов Улуғ Ватан урушидан қайтгач, Дўмбирободдаги мактабда директор бўлиб ишлай бошлади. У 30 йилдан ортиқ, умрининг сўнгги кунларигача шу мактабни бошқарди. Бу давр ичида мактаб пахса деворли уйлардан Ўрта Осиёда биринчи ўғил ва қиз болаларга политехник таълим ўргатувчи, ўз устахоналарига, ошхона ва кино кўрсатиш комплексига эга бўлган замонавий бинога кўчиб ўтди. Ўқувчиларнинг билимларни эгаллашдаги савияси кескин юксалди. Бу ўзгаришларда ғайратли, билимдон, кишиларга меҳрибон директорнинг ҳиссаси борлигини эндиликда бутун маҳалла ва район аҳли яхши билади. Одил ака аҳолининг юмушини ҳам бир неча маротаба енгил қилган. Биргина 7-маршрутдаги троллейбуснинг Дўмбирободгача қатнайдиган бўлиши учун кўпгина идораларга бир неча марта қатнаган. У киши фаол жамоатчи эди, тўй ва маъракаларга доимо бош-қош бўларди.

Дўмбиробод маҳалла аҳлининг талаби ва Тошкент шаҳар ижроия комитетининг қарори билан Чилонзор районидаги 131-мактабга яқинда Одил Қаюмовнинг номи берилди. Шу воқеага бағишлаб ўтказилган йиғилишга маҳалла жамоатчилиги, Одил аканинг оила аъзолари, қариндошлари, уни биладиган ёру биродарлари тўпланишди.

Йиғилишда Одил Қаюмов билан 30 йилдан ортиқ бирга ишлаган халқ маорифи кексаси Кўчқор Турсунов, марҳумнинг қуролдош дўсти Дўмбиробод маҳалла комитетининг раиси, Ўзбекистон ССЖ халқ депутати Усмон Абдуллаев, шу мактабда ўқиган таниқли ёзувчи, «Шарқ юлдузи» ойномасининг бош муҳаррири Ўткир Ҳошимов, мактабнинг ҳозирги директори Лутфихон Умархўжаевалар Одил Қаюмовнинг кўп қиррали фаолияти ҳақида зўр ҳаяжон билан йиғилганларга ҳикоя қилиб бердилар.

Йиғилиш қатнашчилари шу мактабда таълим олаётганларни Одил Қаюмовдек ҳақиқий инсон бўлишга чақирдилар.

И. МАНСУРОВ,
ССЖИ Журналистлар уюшмасининг аъзоси.

ИНСОН ҲУРМАТИ

Обуна—91:

САФИЯ ОПАМИЗ КЕЛДИЛАР

«ОҚШОМ» рўзномасининг муштарийлари 39-алоқа бўлимининг фидойи заҳматкашларидан бири бўлган хат, рўзнома ва ойномаларни етказиб берувчи Сафия Велиева ҳақида ана шундай фахр билан гапирадилар. Чиндан ҳам обуна бўлган нашрларни ўз вақтида олиб дунё, мамлакат, жумҳурият, шаҳардаги воқеалардан ва янгиликлардан ўз вақтида хабардор бўлганга не етсин! Бунинг учун сизга хизмат кўрсатадиган алоқа бўлими ва унинг хизматчилари ўз касбига ихлос қўйган, масъулиятни сезган кишилар бўлиши керак. Сафия опа Велиева эса ана шундай фазилатларга эга бўлган алоқа ходимларидан биридир. Шу боисдан у хизмат кўрсатадиган хонадонларнинг аҳолиси Сафия Велиева тўғрисида доим миннатдор бўлиб гапиришади.

— Халқ хизматида бўлишни ўзим учун катта бахт деб биламан, — дейди С. Велиева. — Ўз касбимга ихлосим ва ғайратим туфайли уларнинг меҳрини қозонаётганлигимдан ўзимни бахтиёр деб биламан.

Оддий ва камтарона мана шу сўзларда жуда катта маъно бор. Дарҳақиқат, одамлар оғирини енгил қилишнинг, улар ҳурматига сазовор бўлишнинг ҳам ўзгача завқи бор. Сафия опа Велиева эса ўз ҳалол меҳнатидан обрў-эътибор топган минглаб алоқа ходимларидан биридир.

С. БОБОЕВ.



⊙ СУРАТДА: С. Велиева.

Рўзномага мактуб

САЛОМ, ҳурматли муҳарририят!

Мен 3 йилдан буён «Тошкент оқшоми» рўзномасига обуна бўлиб келмоқдаман. Илгари Тошкентда ўқиган пайтимда ҳам рўзномани ўқиб турар эдим. Бу йил ҳам ўзим ишлаётган мактабда биринчи бўлиб «Оқшом»га обуна бўлдим. Рўзномада чоп этилаётган мақолалар менинг назаримдан четда қолмайди. Айниқса мен рўзноманинг 2—3-саҳифаларини қизиқиб ўқиб чиқаман. Айниқса «Одобнома» рукуни остида берилаётган мақолалар кишини баҳсга чорлайди. Буни ўқиган ҳар бир инсон албатта яхшиликка, самимийликка интилади. Данагидан мағизи ширин деганларидек, рўзномага иловадош бўлган «Меҳалладош»нинг чиқишини интизорлик билан кутаман. Бунда яхши фазилатли инсонлар, тотув, аҳил оилалар сурати ва улар ҳақида лавҳалар бериб борилади. Бундай аҳил оилалар борлигидан чексиз суюнаман ва уларга ҳавасим келади. Айрим эътирозларим ҳам йўқ эмас. Истаймизми, истамаймизми ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш даврида ҳамма нарсанинг нархи ошиб кетганлиги туфайли рўзнома ва ойномалар нархи ҳам ошиб кетди. Шу боис бошқа жойда қандай билмадиму, бизда обуна бўлаётган киши уни расмийлаштириш учун 1 тийин тўлайди. Масалан, 80—90 сўмлик ойнома ва рўзномага обуна бўлганингиздан кейин, абонементни ўзига устама 20 тийин тўлаш керак бўлди.

Рўзномага иловадош бўлган нашр «Маҳалладош»ни мен ойига 2 марта эмас, балки ҳар ҳафтада ўқишни истар эдим.

Н. ҚУРАМАТОВА,
Жиззах шаҳри.

ЯНА ЙИГИРМА САККИЗ КУН...

ҲА, 1991 йил учун рўзнома ва ойномаларга обуна муддати тугашига яна шунча кун бор. Лекин хотиржам бўлмаслик керак. Чунки Ўзбекистон ССЖ Алоқа вазирлигида яқинда бўлиб ўтган Бутуниттифоқ селектор кенгашида вақтли нашрларга обуна муддатини узайтириш тўғрисидаги масалалар қўйилганлигидан «Оқшом» муштарийларининг ҳам хабари бор, албатта. Шундай қилиб кенгашда жойларда обуна ишларини янада фаоллаштириш, келиб тушаётган обуна ҳужжатларини кўздан кечириш, обуначиларга хизмат кўрсатишни яхшилаш борасида барча зарур чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан аниқ вазифалар олдинга қўйилган эди. Энди ҳамма гап шу вазифаларни кўнгилдагидек қилиб бажаришда қолган. Яъни, азиз муштарийларимизнинг ўзлари севган нашрларга обунани рисоладагидек қилиб расмийлаштириш керак.

Мухлисларимизнинг бошқа нашрлар қатори «Тошкент оқшоми» рўзномаси учун ҳам келгуси йилга обуна муддати 1990 йилнинг 1 декабрига қадар узайтирилганидан хабарлари бор. Ишбилармон кишиларнинг садағаси кетсанг арзийди деганларидек, темирни қизиғида босадиган, бугунги ишни эртага қўймасликка одатланган кўпгина ҳамшаҳарларимиз «Тошкент оқшоми» рўзномаси учун келаси йилга обунани расмийлаштириб ҳозир хотиржам бўлиб юришибди. Лекин турмуш ташвишлари билан овора бўлиб ҳали обуна бўлолмаган муштарийларимиз ҳам шу кунларда отни қамчиласалар айни муддао бўлур эди. Чунки, ана шу кезларда жамоатчи матбуот тарқатувчилар ва алоқа ходимлари бошқа нашрлар қатори «Оқшом» рўзномасига ҳам чекланмаган миқдорда обуна қабул қилмоқдалар. Унинг бир йиллик обуна баҳоси 17 сўм 40 тийин, ярим йилга 8 сўм 70 тийин, 3 ойга 4 сўм 35 тийин. Шундай қилсангиз келгуси йилнинг 1 январидан сиз обуна бўлган «Оқшом» рўзномаси хонадонингизга ўзи кириб боради. Биз эса, сиз азиз муштарийларимизнинг «Оқшом»га нисбатан кўрсатган садоқатингизга яраша ишлаб, бири-биридан қизиқарли мақолалар билан қалбингизга қувонч олиб киришга ваъда берамиз.

Луқма

ҚУРБИЛАРИ ЕТМАДИ

БУ мактубни ёзишимдан мақсад шу: шаҳримиздаги баъзи корхоналар қайта қуриш нима эканлигини ҳали ҳам билмас эканлар. Масалан, Куйбишев райони Луначарский кўчасидаги музхоналар тузатиш устахонаси (бошлиғи Йўлдошев) ишчилари томонидан бизнинг «Орск—4» музхонамиз 1989 йил 2 октябрда кафолатли ремонт қилинган эди. Кафолат муддати — 12 ой. Лекин у музхона 1990 йил июнь ойига қадар ишлади. Шодлигимиз узоққа бормади. Яна бузилди. Шу устахонанинг ишчилари томонидан 22 июнь куни музхона агрегати олиб кетилди. Мана тўрт ярим ойдан бери отангга бор, онангга бордан нари ўтилмаяпти. Музхона эса тузатилмаяпти. Ҳайронман, наҳотки тўрт ярим ойдан бери устахонанинг қурби битта музхонани тузатишга етмаса?

Р. ҚУРБОНОВ.



Сиз суратда кўриб турган қўли гул бу ишчи Тошкент мебель ишлаб чиқариш бирлашмасида 1982 йилдан буён меҳнат қилиб келади. Абдувосиқ Абдуллаевни бу ердагилар ўз касбининг устаси сифатида билишади ва ҳурмат қилишади.

Т. Каримов суратлари.

Сўранг, жавоб берамиз!

Б. САМАНДАРОВ: 1988 йилнинг 2 апрелида иш жойимдаги касаба уюшмаси ва маъмуриятнинг қарорига кўра енгил машина берилиши керак эди. Бу ҳақда Хоразм область Хазорасп район ижроия комитетининг 1988 йилнинг 4 апрелидаги 69-сонли қарори ҳам бор. Лекин район матлубот жамияти менга машинани беришни чўзиб келаяпти. Шу тўғрими!

Жавоб: Район ижроия комитетининг қарори сиз учун енгил машинани харид қилишингизга асосий ҳужжат ҳисобланади. Демак базага келган машинани ҳеч қандай навбатсиз олишингиз керак. Ижроия комитет қарорининг бажарилишида сансалорликка йўл қўяётган мансабдор шахс устидан шикоят билан район ижроия комитетига мурожаат қилишингиз мумкин.

М. АМИНЖОНОВА: Давлат хўжалиги ишчиси бахтсиз ҳодиса туфайли 2-гуруҳ ногирони бўлди. Унга 97 сўм 84 тийин пенсия тайинланган. Иш ҳақи 197 сўм бўлган. Оралиқдаги 100 сўм пулни давлат хўжалиги тўлаган. Ишчи хўжаликдан бошқа шаҳарга кўчиб кетади. Айтингчи, оралиқдаги 100 сўм пулни давлат хўжалиги тўлашда давом эттириш керакми!

Жавоб: Иш жойида бахтсиз ҳодиса содир бўлганлиги туфайли врачлик техник экспертизасининг хулосасига кўра давлат хўжалиги ишчиси 100 фоиз (хатнинг мазмунига кўра) касб қобилиятини йўқотган, шунинг учун ҳам давлат хўжалиги пенсия пули билан иш ҳақи оралиғидаги иш ҳақини тўлай бошлаган. Агар қайта ВТЭК хулосаси ишчининг соғлиги яхшиланганлигини ва касб қобилияти бир қанча фоизга кўпайганлигини тасдиқласа, у ҳолда давлат хўжалиги оралиқдаги пулни вақтинча тўламаслиги мумкин. Агар дастлабки ВТЭК хулосаси кейинчалик ўзгармай ўз кучида қолган бўлса бундай ҳолда жароҳат олган қаерда яшашидан қатъи назар давлат хўжалиги томонидан пул тўланиши керак.

М. ТЎХТАМУРОДОВА: Мен тўрт боланинг онасиман, кичкина қизим 1,5 ойлик. Ўтган 1988 йили оилавий даромадимиз 60 сўмдан кам бўлганлиги учун қизим боғчага бепул борар эди. Ҳозирги янги қарорга кўра боғча маъмурияти пул олаяпти. Шу қоида ҳақида маълумот берсангиз.

Жавоб: ССЖИ Вазирлар Кенгашининг 1990 йил 13 январидаги 47-сонли қарорига асосан 1990 йил 1 январдан эътиборан болалар боғчаси, яслиси корхона, муассаса, ташкилотга қарашидан ёки ота-онанинг қаерда ишлашидан қатъи назар бола боғча (ясли)га борадиган бир кун (маротаба) учун, агар боғча иши 12 соатли режимда бўлса —50 тийин. 12 соат ва ундан ошиқ бўлса — 60 тийиндан пул тўланади.

Агар мактабгача ёшдаги масканга қатнаган бола ота-онасининг ўтган йилги пулмаблағлари миқдори ойига ҳар бир оила аъзоси учун 60 сўмдан ошмаса ҳақ олинмайди. Тўрт ва ундан кўп болалари бўлган ота-оналардан боғчага бораётган бола учун олинадиган ҳақ 50 фоизга камайтирилади.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари, корхона, ташкилот ва муассасалар ўзларининг ихтиёридаги мактабгача муассасаларга қатнаётган бола учун ота-оналардан ҳақ ундиришда қўшимча имтиёзлар ўрнатишлари мумкин. Бундай қўшимча имтиёзлар тегишли маҳаллий бюджет ҳисобидан (корхона, ташкилот, муассаса ўз маблағлари ҳисобидан) амалга оширилади.

М. ТЎЙЧИЕВА: Бизнинг оилада 10 нафар фарзанд бор. Онамиз 50 ёшга тўлдилар. Аммо иш стажлари фақат 5 йилу 6 ойни ташкил қилади. Айтингчи, онамиз қарилик пенсиясига чиқсалар бўладими!

Жавоб: Амалдаги қоидага кўра қарилик пенсиясига беш ва ундан ортиқ бола туғиб тарбиялаган оналар 50 ёшга тўлганларида 15 йиллик иш стажи билан чиқадилар. Тўлиқ бўлмаган иш стажи билан яна иш стажи 5 йилдан кам бўлмаса (тўлиқ бўлмаган иш стажи тартибида) ҳам қарилик пенсияси ўрнатилиши мумкин.

Р. ЮСУПОВА: Ҳозир уй бекасиман. 1975 йилгача маориф системасида 9 йиллик иш стажим бор. 3 болам бор. Мен қарилик пенсиясига чиқишим мумкинми! Жамоа хўжалигида ишлаган вақтим 3 йил. У қўшиладими!

Жавоб: Хатингизнинг мазмунига қараганда сиз пенсия ёшига етгансиз. Бироқ, иш стажингиз анча кам экан. Ҳозирги қоида бўйича жамоа хўжалигида ишлаган вақтингиз иш стажига қўшилади. Демак иш стажингиз 10 йилни ташкил этади, холос. Демак сизга қарилик пенсия олишингиз учун яна 10 йил иш стажи етмайди. Аёллар учун пенсия 50 ёшдан берилади. Сизга ҳужжатларингиз билан социал таъминот бўлимига мурожаат қилишингизни тавсия қиламиз.

А. ҲАСАНОВ,
ҳуқуқшунос.

«Тошкент оқшоми»га жавоб берадилар

«ҚАЧОНГАЧА САРСОН БЎЛАМИЗ?»

⊙ Ана шу сарлавҳа остида «Тошкент оқшоми»нинг шу йилнинг 27 июль сонида эълон қилинган танқидий мақолада Бектемир районидаги айрим омонат кассаларининг хизматидан одамларнинг кўнгли тўлмаётганлиги танқид қилинган эди. Яқинда муҳарририят мазкур мақола юзасидан қилинган ишлар бўйича Бектемир район ижроия комитетининг раиси Б. Ғоиповдан жавоб хати олди.

«Қачонгача сарсон бўламиз?» танқидий мақоласи халқ депутатлари Бектемир район кенгаши ижроия қўмитасининг йиғилишида қўриб чиқилди ва унда келтирилган фактлар тасдиқланди.

Ҳақиқатан ҳам Бектемир районини шаҳар ихтиёрига ўтказиш чоғида Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳар ижроия қўмиталарининг мазкур соҳасида ишловчиларнинг омонат кассаларини қабул қилиб олиш ва топшириш пайтида узилишга йўл қўйган эдилар. Эндиликда бу муаммо тўла ҳал этилди. Айни кунларда Тошкент мотор заводи, Ўзбекистон сув иншооти машинасозлиги тажриба заводида омонат кассаси ишлаб турибди. Қолаверса, Тошкент автомобиллардан, фойдаланиш комбинати ва район марказий алоқа бўлимида ҳам қўшимча равишда ана шундай хизмат усули йўлга қўйилди.

«КИМ БУНДАН МАНФААТДОР?»

⊙ Оқшомхон Маҳмуджонов шу йилнинг бошида муҳарририятга хат орқали мурожаат этиб хонадонига ўрнатилган телефон яхши ишламаслиги ва номаълум шахсларга уланиб қолаётганини ёзган эди. Шикоят хати шу йилнинг 18 январида рўзномамизнинг «Оқшом»га хатлар» рукуни остида эълон қилинган эди.

Тошкент шаҳар телефон алоқаси ва радиофикациялаш ишлаб чиқариш бирлашмаси бош муҳандиси Ў. Холматов имзоси билан олинган жавоб хатида айтилишича мақолада келтирилган фактлар қисман тасдиқланди. Шу йилнинг 12 июль кунида ўтказилган текшириш чоғида ҳақиқатан ҳам Билимдон кўчасининг 1-тор кўчасидаги 7-уйда истиқомат қилувчи ўртоқ Маҳмуджоновга тегишли 90-67-01 рақамли телефоннинг қониқарсиз ишлаётганлиги тасдиқланди. Аммо телефоннинг бошқа одамларга уланганлиги ҳақидаги факт тасдиқланмади. Алоҳида ўтказилган тадбирдан сўнг Маҳмуджоновга тегишли телефон ҳозир мукаммал ишламоқда.

Йиллар ва тақдирлар

⊙ Улуғ Ватан уруши йилларида немис-фашист босқинчиларига қарши олиб борилган ҳаёт-мамот жангларида 79-гвардиячи ўқчи дивизиянинг 110-гвардиячи алоқа ротаси таркибида жанг қилган Бердиали Ҳасанович Имомов Сталинграддан Берлингача бўлган жанговар йўлни босиб ўтган. Жангларда кўрсатган жасоратлари учун Қизил Юлдуз ва II даражали Шуҳрат орденлари билан мукофотланган.

Эндиликда филология фанлари доктори, профессор, ССЖИ Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси, Ўзбекистон ССЖда хизмат кўрсатган маданият ходими Б. Имомов урушдан кейинги йилларда матбуот ва илм-фан соҳасида фаолият кўрсатмоқда.

Уруш ва меҳнат кексаси қуролдош дўстлари билан алоқа ўрнатиш ва улар билан ҳамкорлик қилишни ҳам муқаддас бурч деб билади.

Қуйида Б. Имомовнинг грузин ўғлони Давид Моргашия билан ибратга лойиқ дўстлик алоқалари ҳақида ҳикоя қиламиз.

Жангларда тобланган

1943 ЙИЛНИНГ қаҳратон қиши. Харьков йўналишида шиддатли жанглар давом этмоқда. Ўқчи бальон жангчилари эгаллаб турган позицияни душманнинг бир неча танки ёриб ўтиб, олға силжиш пайида.

Давид Моргашия хизмат қилган ота танкка қарши отувчи учта қуролга эга эди. Уларнинг биринчи ўт очилиши билан дастлабки танк сафдан чиқарилди. Иккинчисининг яқсон қилиниши учун ҳам кўп вақт кетмади. Қолганлари эса орқага чекинишга мажбур бўлишди.

Душман танкларининг ҳужуми қайтарилгандан сўнг Давиднинг янгига яқинлашган бир жангчи:

«Фрицлар иккинчи марта бизнинг позициямизга тумшуқларини тиқмайдиган бўлишди назаримда», деб қолди.

У танкка қарши отиш илмининг қиридан сиригача пухта эгаллаб олган Бердиали Имомов эди. Ҳам кўп ҳам бу қуролдан отиш бўйича Бердиалидан қолишмасди.

Грузин йигити Давид билан ўзбек ўғлони Бердиали ўртасида қизғин суҳбат бошланиб кетди. Бердиали ўрта мактабни тамомлаб, Тошкент шаҳридаги 200-мактабда пионерлар етакчиси бўлиб ишлаётган пайтида армия сафига чақирилганди.

— Урушдан омон қайтсам, ўқишни давом эттираман. Ўзбек адабиёти бўйича мутахассис бўлиб етишиш ниятидаман, — деди Бердиали.

Давид бўлса Улуғ Ватан уруши бошланишидан бир йил аввал педагогика билим юртини тамомлаб, ўқитувчилик қила бошлаган эди. Икки акаси — Амбросий ва Илья фронтдан қайтмаган. Давид 1942 йилнинг январида акалари учун душмандан қасос олиш мақсадида кўнгилли бўлиб фронтга жўнаган экан.

— Мен ҳам немис-фашист босқинчилари устидан ғалаба қозонилгач, ўз шарафли касбимни давом эттиришни дилимга тугиб қўйганман, — жавоб қилди Давид.

Танлаган касблари ўртасида маънавий яқинлик мавжудлиги, ҳар дақиқа юз бериши мумкин бўлган ўлим хавфи Давид билан Бердиалини яқинлаштириб қўйди.

Аммо уруш урушлигини қилди. Кўп ўтмай Давид яралар бўлиб, шифохонага жўнатилди. Орадан ўн кун ўтмасдан Бердиали ҳам жароҳатланди. Улар Пермь областининг Березники шаҳридаги шифохонада иккинчи марта учрашдилар. Бироқ Давид фронтга Бердиалидан олдин жўнаб кетди. Уларга уруш йилларида қайта учрашиш насиб бўлмади.

«Қаердасан Давид, жавоб бер!»

1977 ЙИЛНИНГ август — сентябрь ойларида Бердиали Имомов Грузияда дам оладиган бўлди. Тошкентдан жўнашидаёқ қулай имкониятдан фойдаланиб, қуролдош дўстини ахтариб топиш мақсадида Давид 1943 йилда тақдим этган суратни ёнига солиб қўйди.

Б. Имомов Сухумига етиб келиши билан мухтор жумҳурият-нинг «Коммунисти» рўзномаси муҳарририятига хат билан мурожаат қилди. Грузин тилида чиқадиган бу рўзноманинг 7 сентябрь сонида унинг «Қаердасан Давид, жавоб бер!» сарлавҳали мактуби Давиднинг сурати билан босилиб чиқди.

«Мен фронтда бирга жанг қилган жанговар дўстим, грузин халқининг фарзанди Давид Моргошияни ахтариб топиш учун атайлаб Тошкентдан келдим, — дейилганди мактубда. — У билан 1943 йил бошида Жанубий-ғарбий фронтда Харьков йўналишида жанг қилаётган пайтда дўстлашган эдим.

Шиддатли жангларнинг бирида Давидга снаряд парчаси тегиб, оёғидан яралар бўлди. Уни даволаниш учун жўнатишди. Шу воқеадан кейин мен ҳам фронтда узоқ бўла олмадим. Яралар бўлиб, Пермь областининг Березники шаҳридаги госпиталга юборилдим. Ярам тез битиб кетавермади. Мени госпиталнинг хўжалик қисмига ўтказишди. У ерда Давид Моргошия билан иккинчи марта учрашиб қолдим.

Табиийки, бу ерда узоқ вақт бирга бўла олмадик. Бир неча ойдан сўнг Давидни фронтга жўнатишди. Мени эса ҳарбий билим юртига ўқишга юборишди. Ажралиш олдидан суратларимизни тақдим этиб, бир-биримизни унутмаслик учун қасамёд қилдик.

Давид менга ҳарбий кийимда паспортга ёпиштириладиган катталикда олдирган суратини тақдим этди. Суратнинг орқа томонида рус ва грузин тилларида дўстлигимиз ҳақидаги сўзлар ёзилган эди.

Афсуски, уй адресини ёзмаган экан. Яна шуни қўшимча қиламанки, у 1923 ёки 1924 йилда туғилган.

Дўстимнинг суратини партия билетим қатида урушнинг охиригача, Берлин кўчаларида ҳам ўзим билан олиб юрдим. Ёшлик даврим ва ҳаётимдаги жанговар йиллар билан боғланган ўртоғимни унутишим мумкинми, ахир! Суратни қимматбаҳо эсдалик сифатида урушдан кейин ҳам сақладим. Энди бўлса уни дўстимнинг ҳеч бўлмаганда қариндошларини топишга ишонганим ҳолда Давид Моргашиянинг ватани — Грузияга олиб келдим. «Қаердасан, жанговар дўстим Давид, жавоб бер! Грузияда дам олиш муддати тугагунча ҳам Давиддан дарак бўлмади. Бердиали Имомов ноилож Тошкентга қайтди.

Узоқ кутилган учрашув

ОРАДАН унча кўп вақт ўтмай, Грузиядан хушхабар олинди. Тошкент Давлат дорилфунунига Сухуми яқинидаги Ачадарда истиқомат қилаётган Давид Алексеевичдан телеграмма келди.

«Мен дўстингиз Давид Моргашияман, — дейилганди телеграммада, — сиҳат-саломатман. «Коммунисти» рўзномасида босилиб чиққан мактубингизни ўқидим. Қувончим чексиз. Ҳаммаси учун катта раҳмат. Жавобингизни ва аниқ адресингизни кутаман».

Икки қуролдош ўртасида почта ва телеграф орқали алоқа бошланиб кетди. Сухуми шаҳар «Коммунистири Шрома» рўзномасининг 1977 йил 12 ноябрь сонида журналист В. Костенконинг «По зову сердца» («Қалб амри билан») сарлавҳали очерки босилиб чиқди. У Давид Моргашия билан Бердиали Имомовнинг давр синовидан ўтган мустаҳкам дўстлигига бағишланган эди.

1978 йил ноябрь ойида Давид Моргашия ўғли билан Тошкентга меҳмон бўлиб келиб, Бердиали Имомовнинг ўғли Шералининг уйланиш кечаси тантаналарида иштирок этди.

— Бердиали билан дўстлигимиз жангларда қон билан мустаҳкамланган биродарликдир, — деди Давид Моргашия висол оқшомида. — Дўстлик масофа билмайди. Имоним комилки, биз умримизнинг охиригача бир-биримизга энг яқин кишилар бўлиб қоламиз. беш Зодмнқ

Фарзандларимиз! Бир-бирингизга ҳамиша садоқатли бўлингиз, турмушингиз ширин бўлсин».

1979 йил ёзида Бердиали Имомов ўз меҳнат отпускасини оиласи билан Грузиянинг Сухуми шаҳри яқинидаги қуролдош дўсти Давид Моргашия истиқомат қилаётган соя-салқин, ҳузурбахш ва хушманзара Ачадар қишлоғида ўтказди ва Тошкентга бир олам илиқ таассурот билан қайтди.

Қон билан мустаҳкамланган дўстлик ҳамон давом этмоқда.

Мажид САМАДОВ,
Ўқувчи Ватан уруши ва меҳнат кексаси.



Алоқалар кенгаймоқда

Ўзбекистон ССЖ Қизил Ярим ой жамияти жумҳурият ўқув-методика марказида Мўғулистон Қизил Ярим ой жамияти бир гуруҳ ходимлари учун ташкил этилган семинар ўз ишини якунлади. Мазкур семинар ССЖИ Қизил Ҳоч ва Қизил Ярим ой жамияти, Ўзбекистон ва Мўғулистон Қизил Ярим ой жамиятлари ўртасида тажриба алмашиш тариқасида ташкил этилган эди.

Семинар ишида аймоқ қўмиталари ва бошланғич ташкилотларининг раҳбарлари, Мўғулистон Қизил Ярим ой жамияти ижроқўмининг масъул ходимлари иштирок этдилар. Улар аввал Самарқандда, сўнгра Тошкентда тажрибаларни ўрганишди.

Семинар қатнашчилари Қизил Ярим ой жамияти Тошкент шаҳар ташкилотида бўлиб, жамият кексалари билан учрашдилар. «Эталон» заводида бўлиб, бошланғич ташкилотнинг ишлари билан танишдилар, жамият аъзолари билан қизиқарли суҳбатда бўлдилар.

СУРАТЛАРДА: Қизил Ярим ой жамияти Тошкент шаҳар ташкилотидаги учрашувда; жамиятнинг кекса ходимаси, Қизил Ярим ой жамияти Куйбишев район қўмитаси раисининг ўринбосари Н. А. Александрова меҳмонларни жамият аъзоларининг фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи альбом билан таништирмоқда.

Р. Альбеков суратлари.



ҚОН БИЛАН МУСТАҲКАМЛАНГАН ДЎСТЛИК

КИЧКИНТОЙЛАР УЧУН

⊙ БУГУНГИ кунда шаҳримиздаги қатор йирик саноат корхоналарида болалар театр студиялари ишлаб турибди. Тошкент трактор заводи маданият саройи ҳузурида фаолият кўрсатаётган «Ғилдирак» театр-студиясн ҳам ўз томошалари билан кичик томошабинларда қизиқиш уйғотмоқда.

Шу йилнинг ўзида ижодкорлар қатор қўғирчоқ спектакларни саҳналаштирдилар. Бундай «кичик саҳна» асарлари орасида эртак-спектакллар ҳам бор. Яқинда саҳна юзини кўрган «Ярмилки учун эртак» деб номланган қувноқ постановка ҳам томошабинлар томонидан яхши қабул қилинди.

Эндиликда бу қўғирчоқ спектакли жумҳуриятимиздаги кўпгина шаҳар ва вилоятларни айланиб чиқадиган бўлди. Шу мақсадда у «Комсомолец Узбекистана» махсус тарғибот поезди томошалар дастурига киритилди.

Саодат ОДИЛОВА.

Билим боқий
Ўқувчилар

Билимдонлар кўриги

ЯХШИМИЗНИНГ Чилонзор туманидаги А. Гайдар номли 202-мактабида ўқийдиган ўқувчилар уйида ёш авлодларни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, улар қалбига миллий урф-одатларимизни сингдириш ишлари жадал ўсиб, моҳир педагогларимиз кўп хайрли ишлар амалга ошираётганлар, Жумладан, бу ерда тўрт кун давомида пойтахтимизга бағишланган ўзига хос танлов ўтказилди. Унинг дастуридан «Тошкент — севимли шаҳримиз» мавзусида расмлар танлови, «Ўзбекистоннинг пойтахти» байрами ўтказилди, «Тошкент — ёш жасоратлари кўригини ўрин олди.

Ўқувчилар ўртасида ўқитувчилар ўртасида ўрин олинган ижодий ишлар кўргазмаси ташкил этилди. Ўқувчилар ўртасида ўтказилган танловда ғолиблар тақдирланди.

Сен ўз шаҳринг ҳақида нималарни биласан?» мавзуидаги баҳсда райондаги 202-мактаб ўқувчилари ғолиб чиқиб, шаҳар Пионерлар уйида ўтказиладиган танловда ўтишди.

«Тошкент — Ўзбекистоннинг пойтахти» танлови шартлари бўйича ўқувчилар Тошкентда тайёрланадиган миллий таомларни ва ўзбек миллий либосларини намойиш қилишлари лозим эди. Жуда қизиқарли ўтган ушбу кўрикда 202-мактаб ўқувчилари барча шартларни қойиллатиб бажаришди.

Танлов якунланганидан сўнг барча ўқувчилар залга таклиф қилди. Пионерлар уйи қошидаги Бахтиёр Иноғомов раҳбарлигидаги доирачилар дастаси ўзбек халқ доира усулларини кўрсатди. «Тошкент ҳақида кинолавҳа намойиш этилди. Сўнг яна бир янги — пойтахтимиз ҳақида шеър, ашула ва урф-одатлар танлови. Ўқувчилар ўз маҳоратларини кўрсатганларидан сўнг, моҳир педагоглар қизларнинг уй ва кўчада ўзларини қандай тутишлари кераклиги, ўғил болалар учун ичиш ва чекишнинг зарари, катталарни ҳурмат, кичикларни иззат қилиш, ота-онанинг ҳурматини жойига қўйиш ҳақида ўз ҳаётий тажрибаларн асосида ўгитлар бердилар.

Охирги танлов натижалари бўйича 114-мактаб ўқувчилари биринчи, 188-мактаб ўқувчилари иккинчи ва 202-мактаб билимдонлари учинчи ўринни эгаллашди.

Жуда қизиқарли ўтган ушбу билимдонлар кўриги барча ўқувчиларда катта таассурот қолдирди.

Олия МЎЙДИНОВА,
202-мактабнинг катта ўқитувчиси.

Турмуш чорраҳаларида

ЭСИ КИРИБ ҚОЛАР ЭМИШ

БОЙНАЗАРНИНГ ичига чироқ ёқса ёришмас, бирин-кетин дунёдан бемаврид кетган фарзандлари доғида ўртанарди. Бунга гўё хотини Сотимхон айбдордек икки гапнинг бирида уни сўкарди.

Йиллар ўтди. Хотини яна ўғил туғиб берди. Чақалоққа Эркавой деб исм қўйишди. Атак-тетак Эркавойнинг тили бийрон пайтлари эди. Бир куни Сотим ая ўчоқ бошида куймаланиб юрганда кимдир этагидан тортди. Қараса ўғилчаси экан. Кутулмаганда «Ҳу ойингни... деб сўкди.

Хонтахта устида сабзи тўғраётган Бойназар эса қаҳ-қаҳ отиб қулиб юборди. Онасининг авзойи бузилганини кўрган Эркавой қочиб адасининг пинжига беркинди.

Орадан уч-тўрт кун ўтиб отабола бозорга тушишди. Ота ўғилни етаклаб бедана бозори ёнидан ўтиб борарди. Чиройли кабутарларни кўриб Эркавой хархаша қилди ва охири иккитасини олдиртирди. Лекин отаси ўғлига кабутар эмас, жанжал сотиб олганлигини кейин пайқади. Эркавойнинг кабутарлари нуқул қўни-қўшнилар уйларининг томидаги мўриларга, дарахт учларига қўнарди. Эркавой томматом дупур-дупур сакраб ҳеч кимга ором бермай қўйди. Бундан отасининг қулоғи тинчимай қолди. Гапираверіб ниҳоят қушларни йўқотиришга муваффақ бўлишди.

Йиллар бир-бирини қувиб ўтаверди. Эркавой мактабни амалтақал қилиб аранг битирди. У тенгқурларига ўхшаб на ўқиш ҳаракатини қилди, на иш. Уч-тўрт бекорчини топиб олди-ю, тонггача кўча тентиришни одат қилди. Илгари бир-икки одамдан ҳайиққан бўлса, энди ҳеч кимни менсимай қўйди.

Баҳор фасли эди. Бир куни Эркавой навбатдаги санғишдан келаётса ўсмирлар варрак учиришяпти. Қизиқиб бирининг варрагини олиб учира бошлади. Ипини қаттиқроқ тортган эди, варрак шох ташлай, шох ташлай қўшни уйнинг томига қулаб тушди. Ипи эса электр симига илашиб қолди.

— Парво қилма, ҳозир олиб бераман, — деди у болани юпатиб ва дарахтга тирмашиб томга чиқиб олди.

Варрак томнинг чўққисига тушгани сабаб, ҳеч нимани писанд қилмай шиферни тарақлатганча юз юриб кетди. Икки кун ўтгач жала қуйди. Хаш-паш дегунча Донохон аянинг уйидан чакка ўта бошлади. Оқибатда уй девори юқорисининг бир қисми ўпирилиб тушди. Донохон ая оғирлик қилди, қўшниларим хафа бўлишмасин деб индамади.

Бу воқеага икки-уч ой ўтиб, унутилган ҳам эди. Донохон ая кундузги юмушлардан жуда ҳориб эндигина ўрнига чўзилган эдики, қўшни ҳовлидан Эрканинг бўралаб сўкингани эшитилди. У жим бўлиш ўрнига тобора авжига чиқарди. Қулоқларига ишонмади. Эрка ўз онасини ҳақоратларди:

— Ҳой, сочини бўяган сатанг... Доно ая ўрнидан турди.

— Ҳой, уятсиз! Қўни-қўшнилар эшитса уят эмасми, туш пастга тезроқ, — дерди онаси.

— Ҳе, ўша эшитганниям онасини...

Донохон чидаб туролмади. Ҳовлига чиқиб:

— Онангни сўкяпсан-а, яхши эмас, болам, — аянинг гапи бўғизда қолди.

— Бор, бор! Насиҳатингни болаларингга қил, — ўдағайлади Эркавой.

Бир неча кун ўтиб ая Сотимхонни чақириб олиб, ҳаммасини айтди. Эркавойнинг қилиқларию, шу пайтгача, уларга етказган зарарларини, унинг бу кетиши яхшиликка олиб бормаслигини тушунтирди. Кўнгли тўлиб кўзига ёш олди.

— Э-ҳа, — деди Сотимхон, — ўғлимга нисбатан шунча ғаразингиз бор экан, билмай юрган эканмиз.

— Ғаразим бўлганида, — хўрсинди Донохон опа, — милиция чақиртирган бўлардим.

— Хўш, милиция чақиртиргани-нинг билан қўлингдан нима келарди? Яна айтаман эрим шу районда ишлайди, унвони милиция капитани, тушундингми?!

— Тўғри гап тўғишганга ёқмас, деганлари рост экан. Сизга ечиганимдан гапирган эдим. Бугун бўралаб сўкса, эртага урмайди деб ким айта олади? Ўшанда қийин сизга қийин бўлади, қўшнижон. Эркангиз бизни «Камбағал, камбағал» деб камситади. Коптак тепиб ойна синдирди, томга чиқиб том тешди, қачон даъво қилиб чиқдик сизникига? Камбағал бўлиб кимнинг ҳовлисига чиқибмиз тиланчилик қилиб? Насиҳатим эвазига ўғлим тенги боладан ҳақорат эшитсам?! Йўқ, энди бунақаси кетмайди. Андишанинг оти қўрқоқ бўлдими? — Доно опанинг кўзлари ёшланди. «Эсиз гап» дегандек энди кетмоқчи бўлганди Сотимхон тўхтатди.

— Қўйинг, хафа бўлманг, — деди у бироз юмшаб, — Эркамиз ўзи шунақа эркароқ бўлиб ўсганда. Ҳали мен экан-ку ҳатто адаси-ниям сўкадию. Энди ўн еттига чиқди. Ҳали ёш, эси кириб қолар. Шуни кўнгилга олиб ўтирамизми?

«Яхши тарбияланиб ўсган бола ота-онасига иззату ҳурмат, ёмони эса нафрат келтиради» деганлари бежиз эмас экан, — хаёлидан ўтказди Донохон опа. — Эси кириб қолар, дейди онаси. Лекин кеч эмасмикин? «Бола бошидан» деган нақлни наҳотки унутган бўлса».

Холмат МЎЙДИНОВ,
Ўзбекистон ССЖ Ички ишлар вазирлиги ходими, милиция катта сержанти.



⊙ КАРГОПОЛЬ — Архангельск вилоятининг Снега соҳилидаги рус меъморчилигининг жуда кўп ёдгорликларн бўлган кўҳна шаҳридир. У сайёҳатчиларни оддийлиги ва осойишталиги билан мафтун қилади.

ЧАПДАГИ СУРАТДА: Каргополдаги 1552 — 1562-йилларда бунёд этилган «бодатхоналардан бири.

⊙ МОСКВА. Красная Пресняда ташкил этилган «Қишлоқ хўжалиги машиналари ускуналари ва приборлари» халқаро кўргазмаси жуда кўп қишлоқ ўқувчиларни ўзига жалб этди. Ана шу кўргазмага жаҳоннинг жуда кўп мамлакатларн турли-туман қишлоқ хўжалиги машиналарини тақдим этдилар.

СУРАТДА [ўнгда]: кўргазманинг ёш энергетчиларидан бири техникани синовдан ўтказяпти.

ТАСС суратлари.



Билиб қўйган яхши

ҚУШДЕК ЕНГИЛ БЎЛИНГ!

⊙ Инсон ҳаётида чўмилишнинг ҳам ўзига яраша гашти ва фойдаси бор. Айниқса ҳаммомнинг буғ хонасида тана иссиқ ҳароратдан ҳузур олиб яйрайди, таранг торгинган асаблар ўз ўрнига келади. Киши ўзини қушдек енгил сезади. Буларнинг бариси яхши-ю, бироқ ҳаммом қабул қилганда қуйидаги эслатмаларни билиб қўйиш фойдадан ҳоли эмас.

ҲАММОМ қабул қилиш жараёнида шарбатлар, шунингдек ўз таркибида витамин-дармонлари ҳамда глюкоза сақлайдиган табиат неъматларини истеъмол қилиш мумкин. Чунки бу неъматлар ҳаммомда одам аъзолари сарф этган сув, тузлар ҳамда биологик уйғунлаштирувчи моддаларнинг ўрнини қоплашга ёрдам бериб, ҳолсизланишдан фориғ этади.

* * *

Ҳаммом аҳаллари қабул қилинаётганда спиртли ичимликлар истеъмол этилмаслиги зарур. Мабодо бу ичимликлар истеъмол қилинадиган бўлса, иссиқ шароитда аъзоларда иссиқликнинг пайдо бўлишини ошириб юборади. Бу эса ўз навбатида кишининг юрак ҳамда марказий асаб системаси фаолиятида жиддий ўзгаришлар содир бўлишига сабабчи бўлиши мумкин.

* * *

Тана ҳарорати кўтарилган беморлар, шунингдек касаллик ҳуружида бўлган кишилар ҳаммом қабул қилмасликлари зарур.

* * *

Ҳаммомнинг буғ хонасига кирилганда дастлаб ҳаво ҳарорати хийла паст бўлган пастки токчада ўтириш керак, иссиқ шароитда тана кўникканидан кейингина юқори поғонага кўтарилиш мумкин. Буғхонада жисмоний машқлар қилиш танага зарар келтиради.

* * *

Аъзолари иссиқ шароитга ўрганмаган кимса ҳаммомда ҳушидан кетиши ҳеч гап эмас. Ҳушдан кетишдан олдин кишида тери рангининг ўчиши, ҳолсизланиш, бош айланиш, томир уришининг заифлашуви, нафас олишнинг меъёрдан пасайиши, кўз қорачиғининг торайиши ҳолатлари кузатилади. Агар фавқулодда ҳушдан кетиш рўй бериб қолса, кишини совуқроқ хонага олиб чиқиб ётқизиш керак.

* * *

Ҳаммомда иссиқлик урган тақдирда қуйидагича тадбир кўрилади. Жабрланган одамни совуқроқ хонага олиб ўтиб унинг манглайига совуқ сув билан намланган сочиқ босилади. Унга кўплаб совуқлик ичириш тавсия этилади, шундан сўнг зудлик билан шифокор чақирилади.

* * *

Ҳаммомда ювинаётган киши нутрун ичимлик содаси сирт фаоллигига эга бўлган сунъий кукунсимон воситалар («Айна», «Эра», (Новость»)дан мутлақо фойдаланмаслик керак. Мазкур сунъий ювувчи омиллар одам терисига салбий таъсир кўрсатиб, оқибати нохуш бўлган териларнинг дағал тортиши бўртмалар ҳосил бўлиши, сочларнинг тўкилиб кетиши, тирноқларнинг мўртлашиши, турли касалликларга нисбатан терининг табиий қурашчанлигини сўндиради ва тери касалликларини келтириб чиқариши мумкин.

Маҳинон НАБИЕВ.

«ДАРД» МУХЛИСЛАРИ

⊙ «ДАРД» театр-студияси, мана бир неча йилдирки, томошабинларга намунали хизмат кўрсатиб келмоқда. Ана шу ижодий жамоа ҳузурида эндиликда Ўзбек драма труппаси ҳам ишлаб турибди.

Яқинда ўз фаолиятини бошлаган мазкур актёрлар гуруҳи ўзининг дастлабки асарларини постановка қилишга киришди. Машҳур драматург Мольернинг «Мақтанчоқ табиб» асари биринчи постановка сифатида саҳнага олиб чиқилмоқда.

Янги саҳна асаридаги асосий ролларни М. Уйғур номидаги Тошкент санъат олий илмгоҳининг юқори курс талабалари ижро этадилар.







ТУНГИ ШАРПАЛАР

(ХОНАДОН ЎҒРИЛАРИ ҚЎЛГА ТУШДИ)



ШАҲРИМИЗДАГИ савдо дўконларининг пештахталари ҳувиллаб қолди. Сунъий таҳчиллик юзага келаяпти. Ана шундай таҳчиллик хонадон ўғриларига ҳам қўл келиб қолди. Улар ҳамшаҳарларимизнинг кимсасиз қолган хонадонларини шипшийдом қилиб кетаяптилар. Куйбишев район ички ишлар бўлими ходимлари яқинда хонадон ўғриларига қарши рейд ўтказдилар. Рейд мобайнида жуда кўп ўғрилар қўлга олинди. Бу тадбирга оддий милиция ходимидан тортиб тажрибали изқуварларгача жалб қилинди. Айниқса, милиция лейтенанти Носим Турдиқулов бошлиқ гуруҳ аъзолари самарали иш олиб бордилар.

...Пушкин кўчаси бўйлаб шамолдек учиб келаётган «Жигули» машинаси Турдиқулов гуруҳи аъзоларини ўзига тортди. Ҳайдовчи тўхташ ишорасини кўрмаганликка олиб автомобиль тезлигини оширди. Лекин машинанинг юки оғир бўлганидан узоққа боролмади. Жиноят қидирув гуруҳи аъзолари машинанинг йўлини тўсишди. Одатдагидек ҳайдовчининг гувоҳномаси, техник паспорти кўздан кечирилди. Гуруҳ бошлиғини машина ичида кўзлари олазарак йўловчи жалб қилди.

— Кечирасизлар, — деб гап бошлади милиция лейтенанти, — нега тўхташ ишорасига бўйсунмадинглар?

— Ҳа, ҳалигидай, биз сизларни милиция формасидаги қароқчилар, деб ўйлабмиз, — дудуқланди улардан бири.

— Машинангизда нима олиб кетаяпсизлар?

— Хотиним билан қўйдирчиқди бўлувдик. Ўзимга тегишли айрим молларни уйга олиб кетаяпман, — деди икинчиси.

Милиция ходимларининг шубҳаси орта бошлади. Натижада уларни текшириб кўришга тўғри келди. Аниқланишича, улар Жаҳон Обидова кўчасида истиқомат қилувчи К. ва С. лар эканлиги аниқланди. Улар хонадонлардан бирини ўмариб келишаётган экан. Тафтиш пайтида қимматбаҳо тақинчоқлардан тортиб, атир-упалар, кийим-кечаклар топилди. Улар хонадон эгаларининг дала ҳовлида эканликларини билгач, айвон орқали ўғирликка тушган эканлар...

Шу куни ана шу жиноят

З. Ю.

ТИЖОРАТ ЖАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎРТА ОСИЁ ВА ҚОЗОҒИСТОН МИЛЛИЙ КИНЕМАТОГРАФИЯ МАРКАЗИ

«АМЕРИКА-СОВЕТ КИНОТАШАББУСИ» ҚЎШМА КОРХОНАСИНИНГ

ТОШКЕНТ ШОХОБЧАСИ ВА «ИНСПИРЭЙШЕНЭЛ ФИЛЬМ» КОРПОРАЦИЯСИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА

3 НОЯБРДА

БИЛИМЛАР УЙИДА

«ИСО»

номли янги бадиий фильм премьерасини намойиш қилади

Режиссёрлар: Питер САЙКС ва Джон КИРШ.

Бош ролда: Брайан ДЕКОН.

Корпорация Ўзбекистон кинотомошабинлари учун махсус равишда фильмнинг ўзбекча таржимасини ҳам таъминлаган.

Премьера Америка томонидан келган вакиллар иштирокида ўтказилади.

Сеанслар соат 16.30 ва 19.30 да бошланади.

Олдиндан билет сотиш ташкил этилган.

Маълумотлар олиш учун телефон: 56-55-89.

ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ ТЕХНИКУМИ

техникумнинг кундузги ва сиртқи бўлимларига киришга тайёрлайдиган

ПУЛЛИК ТАЙЁРЛОВ КУРСЛАРИГА

1990 йил учун

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

8 ОЙЛИК КУРСЛАР НОЯБРДА, 6 ОЙЛИК КУРСЛАР ДЕКАБРДА БОШЛАНАДИ.

9—11 синфларни битирган шахслар ва 9-11-синф ўқувчилари қабул қилинадилар.

Машғулотлар — ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Техникум манзили: 700167, Тошкент шаҳри, 2-Сариқўл кўчаси, 3-уй. (55, 66, 161-автобусларнинг «Темир йўл транспорти техникуми» бекати).

Бошқа шаҳардан келганларга ётоқхона берилмайди.

Телефон: 32-44-96.

МАКУЛАТУРА ТОПШИРУВЧИ ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!

ҚАБУЛ ПУНКТЛАРИДА АБОНЕМЕНТЛАР ТАРҚАТИЛАДИГАН КУНЛАРИ ҚУЙИДАГИ КИТОБЛАР СОТИЛАДИ:

— 3 ноябрда А. Дюманинг «ҚИРОЛИЧА МАРГО» китоби — ҳар бир қабул пунктида 100 тадан;

— 4 ноябрда «ГОРОСКОП» китоби — 150 тадан.

А. Дюманинг «ҚИРОЛИЧА МАРГО» китоби ва «ГОРОСКОП» китоби биржўла 20 кг. макулатура топширилгандан сўнг берилади.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ-ТАЙЁРЛОВ КОРХОНАСИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ, ҚАЙТА ЎҚИТИШ ВА КАСБГА ЙЎНАЛТИРИШ МАРКАЗИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Двигатель ишлаб чиқарадиган Италия, ГФР, хорижий фирмаларнинг чет эл ускуналарини монтаж қилишга киришаётган

ТОШКЕНТ МОТОР ЗАВОДИГА

ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАРНИ

— рақамли дастур билан бошқариладиган дастгоҳларнинг операторлари, автомат линиялар ва агрегатли дастгоҳларнинг созловчи — операторлари, электрон системалар ва рақамли дастур билан бошқариладиган дастгоҳларнинг созловчи — операторлари, назорат — ўлчаш асбоблари ва автоматика бўйича чилангарлар, таъмирловчи — чилангарлар.

Завод шартнома асосида юқоридаги касблар бўйича ходимларнинг малакасини ўзгартиради ва ўқитади. Таълим «КАМАЗ», «ВАЗ», «ГАЗ» ва ҳоказо турдош ишлаб чиқаришларда ўтказилади. Ўқиш муддати — 3 ойгача. Ўқиш вақтида аввалги иш жойидаги ўртача ойлик маоши сақланиб қолади;

муҳандис — конструкторлар, технологлар, механиклар, электрончилар; болалар велосипедлари, мотоамортизаторларни чиқариш бўйича янги халқ истеъмол моллари чиқаришини ташкил этиш учун;

токарлар, штамповчилар, газ-электр пайвандчилар, механика—йиғув ишлари чилангарлари, саноат ускуналарини таъмирловчилар, эритувчи-қуювчилар, фрезерчилар, сайқалловчилар, бўёқчилар, техника назорати бўлими назоратчилари, консерваловчи-жойловчилар.

Ихтисоси бўлмаганлар заводда ёки Автомобиль-қишлоқ хўжалиги машиналари вазирлигининг илғор корхоналарида бирор касб эгаси бўлиши мумкин. Ўқиш муддати —2 ойдан 6 ойгача. Ўқиш пайтида ойига 100 сўмдан стипендия берилади. Меҳнатга ишбай-мукофотли, вақтбай мукофотли ҳамда билвосита-ишбай нарх-наволар бўйича ҳақ тўланади.

Ўқишдан кейин иш ҳақи 200 сўмдан 500 сўмгача.

1991—92 ЙИЛЛАРДА ЗАВОД ХОДИМЛАРИ УЧУН «БАХТ» МИКРОРАЙОНИ ҚУРИЛАДИ.

Ёлғизлар ётоқхона билан таъминланадилар, 3—5 йил мобайнида уй берилади.

ХИЗМАТ АВТОБУСЛАРИ ҚАТНАБ ТУРИБДИ.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Оҳангарон шоссеси, 2-уй, 110 «э» автобус, 172-машрутли такси метронинг «М. Горький» станциясидан қатнайди; «Тошкент мотор заводи» бекати («Бахт» кўли). Телефон 98-47-77.

УЙЛАРИНИ КЎМИР БИЛАН ИСИТУВЧИ ТОШКЕНТЛИКЛАР ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳар ижроқўмининг қарорига мувофиқ аҳолини ёқилғи (кўмир) билан таъминлаш тартиби ўзгарганлиги муносабати билан

1-ЁҚИЛҒИ ОМБОРИ Бектемир ноҳияси аҳолисига хизмат кўрсатади.

Октябрь ноҳиясининг аҳолиси кўмир билан 2-ЁҚИЛҒИ ОМБОРИ орқали таъминланади. Октябрь ноҳияси аҳолисидан илгари қабул қилинган буюртмаларни 1-ёқилғи омбори бажармайди.

«ТАШГОРЛЕССТРОЙТОПТОРГ»НИНГ ҚУЙИДАГИ ОМБОРЛАРИ КЎМИРНИ УЙГА ЭЛТИБ БЕРИШ ЙЎЛИ БИЛАН СОТАДИ:

1-ЁҚИЛҒИ ОМБОРИ — Отчопар кўчаси, 2-ўтар кўча. Телефон 91-39-85. Ленин, Куйбишев, Ҳамза, Фрунзе, Бектемир ноҳияларига хизмат кўрсатади.

2-ЁҚИЛҒИ ОМБОРИ — Уста Ширин кўчаси, 136. Телефон 48-25-62. Собир Раҳимов, Киров, Октябрь ноҳияларига хизмат кўрсатади.

3-ЁҚИЛҒИ ОМБОРИ — Сергели даҳаси, Жанубий саноат зонаси. Телефон 58-96-38. Сергели ва Акмал Икромов ноҳияларига хизмат кўрсатади.

«ТАШГОРЛЕССТРОЙТОПТОРГ».

«ЗЕНИТ» «ЗЕНИТ-7» фирмали техно-савдо маркази

(Чехов кўчаси, 10, метронинг «Ойбек» станцияси)

таклиф қилади



ИШОНЧЛИ ҚЎРИҚЧИ — ТОПИШ УЧУН «МАЯК» СИГНАЛИЗАЦИЯ ҚУРИЛМАСИНИ

Инфрақизил сигнализацияли «Маяк» топиш қурилмаси — янгилик. У моддий бойликлар сақланадиган йирик объектлар; давлат ва жамоат гаражлари, болалар боғчалари, магазинлар ва бошқа объектлар учун мўлжалланган.

АВТОМОБИЛЬ ЭГАЛАРИ УЧУН

«Ижмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг маҳсулоти бўлмиш ИСИТГИЧ автомобилларнинг ичида мақбул ҳароратни вужудга келтиришда ёрдам беради.

«Зенит-7» фирмали техно-савдо маркази соат 10 дан 19 гача ишлайди, танаффус соат 14 дан 15 гача, дам олиш куни — якшанба. Маълумотларни олиш учун телефонлар: 54-04-92, 54-26-52.



«ЗЕНИТ-7» ФИРМАЛИ ТЕХНО-САВДО МАРКАЗИ.

«СОЮЗРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ.

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУСИҚАЛИ ТЕАТРИНИНГ НОЯБРЬ ОЙИ

РЕПЕРТУАР ПЛАНИ

2/XIда — АНҚОВЛАР ЧАЙҚОВИ.
3/XIда — ТАБАССУМ ОҚШОМИ.
4/XIда — ТАБАССУМ ОҚШОМИ.
5/XIда — МУШКУЛ САВДО.
7/XIда — БАЙРАМ БАЗМИ.
8/XIда — БАЙРАМ БАЗМИ.
9/XIда — ЮСУФ ВА ЗУЛАЙҲО.
10/XIда — АКА-УКА СОВЧИЛАР.
11/XIда — ХОТИНИМНИНГ ЭРИ.
12/XIда — АНҚОВЛАР ЧАЙҚОВИ.
14/XIда — ГУЛ ВА НАВРЎЗ.
15/XIда—МАНСАБ ШАЙДОСИ.
16/XIда — МУҲАББАТ НАВОСИ.
17/XIда — ЮСУФ ВА ЗУЛАЙҲО.
18/XIда — КАМПИР КЕТАРМИШ.
19/XIда — ПАРАНЖИ СИРЛАРИ.
21/XIда — ОЛТИН ТЎЙ (театрлаштирилган мусиқали томоша).
22/XIда — АКА-УКА СОВЧИЛАР.
23/XIда — ХОТИНИМНИНГ ЭРИ.
24/XIда — НУРХОН.
25/XIда — ТАБАССУМ ОҚШОМИ.
26/XIда — ГУЛ ВА НАВРЎЗ.
28/XIда — ЮСУФ ВА ЗУЛАЙҲО.
29/XIда — МУҲАББАТ НАВОСИ.
30/XIда — ПАРАНЖИ СИРЛАРИ.

Кундузги спектакллар соат 15.00 да, кечки спектакллар соат 19.00да бошланади.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 45-16-33, 45-47-31, 45-38-63, 45-49-41.

АБРОР ҲИДОЯТОВ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ДРАМА ТЕАТРИНИНГ НОЯБРЬ ОЙИ

РЕПЕРТУАР ПЛАНИ

2/XIда — ОТАСИНИНГ ҚИЗИ (19.00).
3/XIда — ПАРАНЖИ СИРЛАРИ (15.00).
КУЛГИ ВА ҚУШИҚ КЕЧАСИ (19.00)
4/XIда — ФАРМОНБИБИ АРАЗЛАДИ (16.00, 19.00).
НАЙНОВ ВА ПАКАНА (19.00)
5/XI — ЛАҚМА КУЁВ (12.00, 16.00 билетлар сотилган).
6/XIда — МАУГЛИ (10.00)
МАЙСАРАНИНГ ИШИ (16.00, 19.00)
7/XIда — КУЛГИ ВА ҚУШИҚ КЕЧАСИ (16.00, 19.00).
8/XIда — ОТАСИНИНГ ҚИЗИ (13.00, 16.00, 19.00).
9/XIда — ПАРАНЖИ СИРЛАРИ (12.00 билетлар сотилган).
ЗИЁФАТ (16.00 билетлар сотилган).
ГЎЗАЛЛАР ВА МИРШАБЛАР (19.00).
10/XIда — ЗИЁФАТ (12.00)
МАЙСАРАНИНГ ИШИ (15.00 билетлар сотилган)
ЛАҚМА КУЁВ (19.00).
11/XIда — МАЙСАРАНИНГ ИШИ (12.00).
ФАРМОНБИБИ АРАЗЛАДИ (19.00).
14/XIда — ФАРМОНБИБИ АРАЗЛАДИ (19.00).
15/XIда — ПАРАНЖИ СИРЛАРИ (19.00).
16/XIда — ГЎЗАЛЛАР ВА МИРШАБЛАР (19.00).
17/XIда — КУЛГИ ВА ҚУШИҚ КЕЧАСИ (19.00.)
18/XIда — ФАРМОНБИБИ АРАЗЛАДИ (19.00)
20/XIда — ЗИЁФАТ (19.00).
21/XIда — ЛАҚМА КУЁВ (19.00).
23/XIда — МАЙСАРАНИНГ ИШИ (19.00).
24/XIда — ФАРМОНБИБИ АРАЗЛАДИ (19.00)
25/XIда — ЛАҚМА КУЁВ (19.00).
27/XIда — ПИГМАЛИОН (19.00)
28/XIда — ОТАСИНИНГ ҚИЗИ (19.00).
29/XIда — ПАРАНЖИ СИРЛАРИ (19.00).
30/XIда — ФАРМОНБИБИ АРАЗЛАДИ (19.00).

АБРОР ҲИДОЯТОВ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ДРАМА ТЕАТРИ

7 ноябрь соат 16.00, 19.00 да

КУЛГИ ВА ҚУШИҚ КЕЧАСИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Жумҳуриятда хизмат кўрсатган артист, Ҳамза номидаги Давлат мукофотининг совриндори — ЁДГОР САЪДИЕВ;

Жумҳуриятда хизмат кўрсатган артистлар — ЭРКИН КОМИЛОВ, ҲОЖИАКБАР НУРМАТОВ.

Тошкент вилояти Ленин комсомоли мукофотининг совриндори — Санда РАМЕТОВА.

Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг совриндори — Муножат ТЕШАБОЕВА, артист ШАВКАТ ТОЛИПОВ ва бошқалар.

---

8 ноябрь соат 13, 19.00 да

ИСФАНДИЁР асари

ОТАСИНИНГ ҚИЗИ:

(2 ПАРДАЛИ КОМЕДИЯ)

ҚАТНАШАДИЛАР:

Тошкент вилояти Ленин комсомоли мукофотининг совриндори — Санда РАМЕТОВА.

Жумҳуриятда хизмат кўрсатган артист — Ноила ТОШКЕНТБОЕВА.

АРТИСТЛАР: Матёқуб МАТЧОНОВ, Тожиной НОРМАТОВ, Доно БОБОХОНОВА, Азиза БЕГМАТОВА, Ҳошим АРСЛОНОВ ва бошқалар.

ТЕАТРНИНГ БОШ РЕЖИССЁРИ: Жумҳуриятда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССЖ Давлат мукофоти ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг совриндори — Баҳодир ЙЎЛДОШЕВ.

Чипталар театр кассасида ҳар куни соат 10.00 дан кеч соат 19.00 гача сотилади.

Оммавий буюртмалар қабул қилинади.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИ

(Хадра майдони)

3 — 11 НОЯБРЬ

КУНЛАРИ



СОВЕТ ЦИРКИ УСТАЛАРИ

КАТТА БАЙР ТОМОШАЛА

икки бўлимдан иборат ранг-баранг

ТОМОШАЛАР:

3, 5, 6, 7, 8, 9, 10 ноябрда соат — 11, 4 ноябрда — 12, 15, 18.00 да.

БОШЛАНАДИ:

ОЛДИНДАН БИЛЕТ СОТИШ ТАШКИЛ

Оммавий талабномалар қабул қилинмайди.

БОЛАЛАР ТАШКИЛОТЛАРИ ВА ҚИШЛОҚЛАРИНИНГ ТАЛАБНОМАЛАРИГА НАВБАТДАШ ҚАРИ ХИЗМАТ КЎРСАТИЛАДИ.

Касса дам олиш кунисиз соат 10 дан 20.00 гача ишлайди.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 44-35-84, 44-29-04.

Цирк фойесида суратқашлик салони ишлайди.

«ОРОЛ» ХАЙРИЯ ТИЖОРАТ МАРКАЗИ

ССЖИ ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

3 НОЯБРДА

«КАМОЛОТ-89» танлови голиби

МУҲРИДДИН ҲОЛИҚОВ

ижросида

КУЙ ВА ҚУШИҚ БАЗМИ

САҲНАЛАШТИРУВЧИ РЕЖИССЁР — ССЖда хизмат кўрсатган артист А. РАҲИМ

Соат 19.30 да бошланади.

Чипталар сотилмоқда.

«ЎЗБЕККОНЦЕРТ»

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ССЖИ ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

6, 7, 8, 9 ноябрь соат 16.00 ва 19.00 да

«ҚИЗИҚЧИ — 90» кўригининг голиби, кўзгу ҲОЖИБОЙ ТОЖИБОЕВ

ва

хушовоз хонанда

АБДУРАУФ ОЛИМОВ

ижросида

БАЙРАМ КОНЦЕРТИ

Касса соат 11.00 дан 19.00 гача ишлайди. Телефонлар: 41-74-30, 45-92-13.

КИНО

2 НОЯБРДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «ИШҚ ТУРЛАРИ» (катта зал, 18, 30, 21.00)

Восток — «ШАОЛИНЬ ЛАМАГА ҚАРШИ» (17, 19, 20.30)

Москва — «ИШҚ ТУРЛАРИ» (18.20, 20.40).

ВЛКСМ 30 йиллиги — «ЎЗ ЮКИМ-ЎЗ ДАРДИМ (17, 20.00);

К. Ёрматов номли — «ФАЗОДАГИ ТУС-ТУПОЛОН» (тоқ соатларда);

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «СЕНЬОР РОБИНЗОН» (тоқ соатларда).

3 НОЯБРДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «ИШҚ ТУРЛАРИ» (катта зал, 16, 18.30, 21.00).

Восток — «ШАОЛИНЬ ЛАМАГА ҚАРШИ» (11, 13.30, 16.00, 18.30, 20.30).

Москва — «ИШҚ ТУРЛАРИ» (11, 13.30, 16.00, 18.20, 20.40).

ВЛКСМ 30 йиллиги — «ЎЗ ЮКИМ — ЎЗ ДАРДИМ» (11, 13.30, 16.00, 17, 20.00).

К. Ёрматов номли — «ФАЗОДАГИ ТУС-ТУПОЛОН» (тоқ соатларда).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «СЕНЬОР РОБИНЗОН» (тоқ соатларда).

«Ўртоқ фабрикаси ишчи-хизматчилари кадрлар бўлимлари

Султон Ўрин ОТАХЎЖАЕВ

вафот этганлиги ҳақида ҳайту билан биз, ҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қиламиз.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси шаҳри.

(«Вечерний Ташкент» органи Ташкентского Компартии Узбекистана, городского Совета народных депутатов.

Марказий Комитет ордени босмахонаси.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, Тошкент шаҳри, 32-уй.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-78; хатлар бўлими — 32-53-85, 32-53-79; жамоатчилик қабулхонаси — 32-53-87.

Якшанбадан ташқари ҳар куни ўзбек ва рус тилларида мустақил чиқади.

140, 390 нусхада чоп этилади. Индекс 64601, 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10.